

ТОШКЕНТИ ОЖШОМИ
Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси
№ 148 (8.346) 1993 йил 19 август, пайшанба Сотувда эркин нархда



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган



1 сентябрь—Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик куни

МУСТАҚИЛЛИК—ЯККАЛАНИШ ЭМАС

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик кунини арафасида Тошкентнинг бош майдонига уланган томоша бошланади...

соблайдиган баъзи бир оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда иқтисодий аҳвол мураккаб-у бу тантаналар учун шундай катта сарф-харажат шартми, деган гапни айтмоқда...

вишини унуттига ёрдам берди. Бу байрам хўжайқурсинга, жаҳон миқёсида сохта обрў орттириш мақсадида ёки бошлиқларни улғулаш учун қилинганлиги йўқ...

Қорабоғдаги бегуноҳ қурбонлар, Шимолий Кавказдаги элликларни ўзингиз қўриб турибсиз. Бу санъоти яна давом эттириш мумкин...

Исмомил Ҳақимович, республикамизнинг бош майдонини қиёфаси ҳозир жуда ўзгариб кетди. Шу пайтгача бу ерда бундай тантаналар ўтказилмаган...

нингизни билардим. Менинг ҳам, ташкилот комитети бошқа аъзоларининг ҳам бу ҳақдаги фикримиз қатъий. Тантаналар керак...

— Эрк, мустақиллик — ҳар қандай одамнинг, ҳар қандай давлатнинг табиий истагидир. Аммо мана шу эрдан оқилона фойдалана олиш ҳам мумкин...

ислоҳотлар учун масъул ҳисобланади. Иқтисод ҳар дом сисбатдан устун туриши керак. Ўзбекистонда негизанга йўқ бўлмаганлиги йўқ...

КҮРИБ КЎЗ ҚУВНАЙДИ

ШАҲРИМИЗДАГИ «Юлдуз» тинувчилиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг доруғи тобора машҳур бўлиб бормоқда...



СУРАТЛАРДА: (Ўнгда юқориде) тинув ҷаҳда иш қиғани; (Ўнгда) тинувчилардан Озода Усмонова ва Шохмата Норматовалар; (Ўнгда) қорқоннинг тайёр маҳсулотларни қўрғазмасида.



ТАШКИЛИЙ КОМИТЕТ МАЖЛИСИ

Р-да Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикасининг пойтахтида тазавондо бўйича Осиё ва Тинч океани минтақаси 1 чемпионатида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий комитетининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди...

Спорт иншоотларини мусобақага тайёрлаш ниҳоятда етмоқда. Ташкентдо бўйича Осиё ва Тинч океани минтақаси 1 чемпионати раъми таширилган турли эъодили соғалари, босма маҳсулот чиқарилди...

«ЎЗБЕКИСТОН—ВАТАНИМ МАННИМ»

ТОШКЕНТ шаҳар ҳокимлик комитети ва Чилонзор тумани ҳокимлиги ҳамда хотин-қизлар кенгаши ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини икки йиллиги олдидан Ўзбекистон — ватаним манним мавзюида адабий неча бўлиб ўтди...

лашди. Шонрлар ўз ижодларидан намуналар ўқиб беришди. Қаҳрамон оналар ва саломатлиги лос-боллар мустақил Ўзбекистонимизнинг янада мустақам бўлишида энг аввало оналарнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ва бу борада кўпроқ табиий муолажаларга эътибор қаратиш ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларини айтдилар...

ИСТИҚЛОЛ ТУФАЙЛИ ТУҒИЛГАН

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, сиёсий ва иқтисодий ислоҳот бошланган туфайли кўплаб нашрлар дунёга келди. Шундан бири — «Ўзбекистон» давлат акционерлик уюшмаси ва «Ўзбекистон» бошқаруви таясис этган, ташкил топганига бутун бир йил ўтган «Савдогар» ҳафталигиндир...

ҚИЗГҲН ТАЙЁРГАРЛИК

ҲАММА каби Тошкент вино комбинатининг ёшлари ҳам Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги кунининг икки йиллиги байрамга қизгҲн тайёргарлик кўришмоқда. Тантана арафасида қорқон хуудуида ёшлар сардори Дилшод Лутфуллаев ташаббус билан ранг-баранг спорт ўйинлари намойиш этилади...



Янги ўқув йили бошлангичта ҳам саноқли кўлар қолди. Бу йилги мавсумга мактаб педга жамоалари пухта ҳаёрийлик кўрадилар. Чунки мустақилликка эришган мамлакатимизнинг барча фуқаролари 1 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг янги йилгини кенг миқёсда нишонлайдилар.

Кўтув айём арафасида жамоатчи муҳбиримиз Ҳамза тумани ҳалқ таълими бўлими мудири Ислом Зокировка бир неча савол билан муурожаат қилди.

— Туман ҳалқ таълими тизимида мустақиллик кўннинг иккинчи йилгига қандай тайёрларни кўрилади?

### Уқитувчиларнинг август кенашлари олдидан

## Пухта сабоқ берилади

— Мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида байрамга тайёрларни кўриш ҳар бир мурабий, болаларнинг эзгу орусига айланган. Ўқувчилар кўни мактаб ва ҳунар-техника билим юрталари, мактабгача ва мактабдан ташқари тарбия муассасаларида оммавий очилган кўни ўтказилади. Асосан «Тошкентлик» маданият уйи, «Тошкентлик» клуби ва Тошкент ўйсозлик комбинати маданият саройида «ҳалқ сайиллари» тўп-ланган томошабилар санъаткор ўқувчи ва ўқувчиларнинг кўшиқ ва рақсларини томоша қиладилар. Туманимиз мактабларида, ҳунар-техника билим юрталарида «Ўзбекистон — келажик буюк давлат» ҳафталиги ташкил этилади. Ҳафталикда бадий кечалар, оммавий сайиллар, бадий ҳаваскорларнинг чизиқлари, кўрамадилар санъаткорлар, педагог олимлар, ёзувчи ва шoirлар билан учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилади. Суҳбатда ҳозирги ёшларнинг алоҳида кўн билан ўқинлари зарурлиги ўқитилади. Болалар тайёрлаган буюм кўрамадилар намойиш этилади. 198-мактаб ижодий уюшмаси томонидан ролик деб топилган 20 ўқувчи мустақиллик майдониди таънада ўз санъатини намойиш этади.

— Туман ҳалқ таълими ходимлари олдига турган долзарб вазифалар қандай ҳисобланади?

— Илм-фан қадрлангандагина тараққиёт бўлиши мумкин. «Таълим тўғрисида»ги Қонун дадил амалга ошмоқда. Мактаб таълимига ҳунқушунослик, ҳозирги замон сийсати ва итисодий тест биланли кўрилади, шунингдек тест усулидаги синфлар ва бошқа янгиликларга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу ўринда Тошкент Давлат ҳуқуқшунослик институтини билан ҳамкорликда қўриқда номлари қайд этилган болалардан мутахассислар етимаётганлигини инобатга олиб, қисқа муддатли курслар ташкил этиди. Буларнинг барчаси давлатимизнинг ёш авлод келажикига кўраётган гамирлиги эканлигини ўқувчилар онгига етказиш асосий вазифадир.

— Мустақиллик тўғрисида таълим-тарбия тизимида ҳам тўз ўзгарилган рўй бермоқда. Ўтган ўқув йилида Султони Машаққад кўчасида жойлашган 307-мактабда очилган турк лицейи мактаб ва ҳунар-техника билим юрталари билан ҳамкорликда таълим тизимида шунга ўхшаш янгиликлар, ташаббуслар кўтилмоқдими?

— Бу борада тилга олина эрийдиган янгиликлар кўп. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг «Ўзбек-турк лицейлари фаолиятини ривожлантиришни ташкил этиш ҳақида»ги ҳақда Тошкент шаҳар Ҳокими А. И. Фозиловнинг қарорларини бажариши юзасидан талайгина ишлар қилинган. Юқорида таъкидланган ўзбек-турк ўқувчилар лицейидан ташқари туманимиз ҳудудида Тошкент қизлар лицейи ҳам очилди, қабул имтиҳонлари бошланди. Дарслар ўзбек, турк, инглиз тилларида олиб борилди. Кимё, биология, физика, математика фанлари инглиз тилида ўқитилади. Шунинг ҳам алоҳида айтиш ўқитиш жонки, янги ўқув йилидан бошлаб, ҳалқ таълими тизими таълим-тарбия ишларини такомиллаштиришда педагог жамоаларининг ижодий ташаббусини кўллаб-қувватлаб ҳамда «Таълим ҳақида»ги Қонунни амалга тадбиқ этиш мақсадида қатор мактабларда айрим фанларни чуқур ўзлаштиришга мўлжалланган махсус синфлар очилди. Масалан, 244-мактабда кимё ва биология, 61, 145-мактабларда математика, 161, 204, 227-мактабларда инглиз тили, 216-мактабда эса Ўзбекистон ҳалқлари тарихидан болаларга пухта сабоқ берилди.

Сухбатдош Қидирбой ТУЛАБОВ.

ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг таълим ҳақидаги қонун келажикда умид билан қарашга имкон беради. Бугунги кунда ҳалқ ҳужақларининг барча жаҳалларида юқори малакали мутахассислар бўлган муносабат кескин ўзгармоқда. Ҳукуматимизнинг ҳалқ таълими соҳаси-

шунин айтиш кераки, тўрт йилдан бери бизда иқтисодга иқтисослашган 10—11-синфларга тажриба сифатида ўқувчилар қабул қилиниб ўқитилмоқда. Ўтган вақт ичида 120 нафар битрувчи Тошкент Давлат иқтисодий университетининг талабаси бўлди. Вазирлар маҳкамасининг

бу ерда болалар педагогика асослари, психология ва бошлангич таълим услублари билан яқиндан танишдилар. «Тошкентно» ишлаб чиқариш корхонаси билан тузилган шартномага кўра 8—9-синф ўқувчиларининг ижтимоий фойдали меҳнати шу корхона қошида ташкил қилинган бўлиб, бу ерда ўқувчилар қандоқлаш, новвойлик, қалдоқлаш мутахассисликлари билан танишдилар. 10—11-синф ўқувчиларининг ижтимоий фойдали меҳнати мактаб устаноналари қошида ташкил қилинган. Бу ерда «Тошкентлифт» трестини учун махсулот ишлаб чиқарилади.

Жамоамиз тўплаган катта тажриба бошқа мутахассисликлар бўйича ҳам синфлар очилиши мумкин бери. Биз келгуси ўқув йилидан молия-иқтисодий, бадий метморчилик, тиббиёт ва бошқа соҳалар бўйича синфлар ташкил этишга қарор қилдик. Уйлаймики, мактабимизда бошларнинг мактаб буюсадан касб-ҳунар эгаси бўлиб қилиб кетишига пухта замин тайёрланмоқда.

Сервер АППАЗОВ, Чилдоғрон туманидаги 90-мактаб директори.

### Келажикимиз—мактабда ИХТИСОСЛАШГАН СИНФЛАР

даги бугунги сийсатида тарихий тажриба, Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш имкониятлари, миллий ўнган ҳосилик жиҳатлари эътиборга олинмоқда.

Бундай мулоҳазаларни билдираётганимизнинг боиси бор, албатта. Жамоамиз ўқув-тарбиявий ишлар сийсатини ўзгартириш, ўқитишнинг янги шакли ва усуллари жорий қилиш учун ҳали янги ўқув йили бошлангич синф кўнларидан бошлаб ҳаракат қилиш керак. Кези келганда

қарор билан шу йилдан бошлаб иқтисодий лицей очдик. Ўқувчиларнинг ўз мутахассисликларини иқтисодиёт танаб олишлари учун имконият яратиб мақсадида ҳамширалар тайёрлаш гурӯҳи фаолият кўрсатмоқда. Қувончлики шундаки, ўқувчилар етуклик аттестати билан бирга ҳамширалик мутахассислиги бўйича гувоҳнома оладилар.

Булардан ташқари, педагогика мутахассислигига иқтисослашган гуруҳлар мавқудки,

биз ҳам ҳамма жойда бўлган каби Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг иккинчи йилгини муносиб кўриб олишга пухта тайёрларни кўришимиз, — дейди Шомил Ақдубоев. — Лекин шунинг оқибатида айтиш кераки, бозор иқтисодиёти оромгоҳларга ҳам ўз таъсири кўрсатмоқда. Биз ҳозир фақат аттракционлар ва дискотекадан тушаётган даромад ҳисобига кўн кўришимиз. Аммо бу қийинчиликлар ўқитиш эканлигини биз яқин биламиз. Олдинда турган вазифаларни бенами кўст бажаришга ҳаракат қилишимиз. Яқинда Самарқанддан бир қанча янги аттракционлар келтирдик. Айни пайтда «Валанд тепалик» ва «Шимол буғуси» деб номланган рельеф аттракционлари. Урнатилиш билан бандимиз. Уларни Мусулманликнинг кўни ишта тушириб, болақонларимизга ҳади қиламиз. Бундан ташқари қўмилли ҳаззаларини, спорт майдонларини, ёнги томошагоҳини тўғрисида келтиришимиз. Ўзининг, боғимизда ҳорлик чиқарувчиларга намуналик хизмат кўрсатиш асосий вазифамиз. Нафисламбаринг автотради, боғимиздаги байрам тадбирлари янада файзал ва мароқли ўтиши учун бор куч ва имкониятларимизни ишта солашим.

— Қўриб турганимиздек, Шомил ЗОНРОВ.

### Истироҳат масканларида ХУШ КАЙФИЯТ БАҒИШЛАШАДИ

четлари оқлаиб, ёнги томошагоҳ ва раис майдончаси таъмирланганда, муқддатуни ўтаб бўлган эски аттракционлар янгиликлар алмаштирилди. Хуллас, ҳамма байрам кўни оромгоҳга ташириб буюривчиларга барча шарт-шароитларни яратилган ва хуш кайфият бағишлашга ҳаракат қилинмоқда.

Боғ бош муҳаббис Шомил Ақдубоев ўзининг тадбиркорлиги ва ишбилармонлигини, уюшган кўнлаш иш тузиш тўғрисида оромгоҳ матмурини ва ишчи-хизматчи-

УЛУГ ҳазрат Алишер Навоий қолдириб кетган улкан хазинадан авлодлар ҳар қанча баҳраманд бўлсалар, бебаҳо дуру гавҳарларга тўла ул жавоҳирот сандиқнинг ҳеч таги кўринмайди. Навоийнинг улмас қаломлари битилган муқаддас китобини олиб қараётган ҳар бир зот ўзига олам-олам қиммат ва маъни инжуларидан териб олади. Бу билан улуг ҳазрат китобларидаги бойлик қанақай қолмайди, ақсича, янада қўлайиб, янада равшанлашиб, қиммат ва жиқлиси янада ошиб кетаверлади.

Алишер Навоийнинг бири-биридан муаззам асарларининг қўлини инсон одоби, ахлоқ ва яқин хулқи ҳақидаги ақл ва маъно нурулари билан жиқла қилувчи ҳикматларга жуда бой. Навоий ҳикматлари орасида «Тил балогатини нутқ кайфияти» номли ўнға хос бир буюм мавқудки, буюк бобомиз унда тил маданияти, ширинсузлик, хушхиллик, ҳақиқатгўйлик, намғаллик, тақаллуфнинг латофати ва хосияти ҳамда бад-тилик қаломи, заҳарлик, ноқонлик, ёлғончилик, эзмаликнинг насофати ва оқибати ҳақидаги муҳим тасар ва бетакор ҳикматларини жойлаган. «Кўнгул маҳзиннинг қудфи тил ва ул маҳзиннинг қалиди суз бил», — дея Навоий ҳар бир кишининг бахри-дилнинг оқадиган қалит суз, яъни ширин суз эканлигига ишорат қилади. Ширинсузлик чиндан ҳам ҳар битта инсон учун зарур бўлган хислатдир. Халқимизнинг ажойиб мақоми борки, «Яқин сузга илон инқидан, ёмон сузга пичоқ қинидан чиқадди». Ибн Синодан Форобийгача бўлган алломалар инсон тарбиясида ҳам ширин сузнинг аҳамияти катталлигини таъкидлаганлар.

Яна бир ҳикматда Навоий дейди, «Сўз борким, эшиткучи танижа жон кинорун ва сўз борким,

айткучи бошим елга берур». Одам-эзонинг тилидан ҳам яқин ва ёмон суз чиқадди. Тилининг суяги йўқ, деҳдилар. Нодон, бетгапар, бетакаллуф, ёлғончи шахсларнинг тиллари билан доно, қамтар, андишали, ростгўй ва раҳмдил кишиларнинг тиллари ўртасида қанчалик катта тафовут бор.

Форс ҳазрида ажойиб бир ҳикоят бор. Эмишки, ўтган замонда бир боғнинг доно ва оқил хизматкори бўлиб, бир кўни бой уни синамоқчи бўлиб, хизматкорни ча-

яна бир ҳикматни айтганки: «Ай-тур сузни айт, айтмас суздан қайт». Бу ҳикматдан тушуниладики, киши яқин, ширин, доно, рост сўзларини, демаски, — «айтур сузни» айтиши ва ёмон, ақчи, уятсиз, ёлғон сўзларини, яъни «айтмас сузни» эинҳор гапирмаслиги лозим. Хўш, улуг бобомизнинг шу ва шунга ўхшаш бебаҳо нафисхатларига биз, ул муборақ эзонинг авлодлари амал қилмасми? Афсуски, ҳар доно эмас. Айниқса, баъзи ёш йигитларимиз-

гапни тугади. Иккиозламачилиқ, ёлғончилик, лаганбардорчилик, ичиқоралиқ, танабуриллик қано расво, жиқранч одатлар ана шундай тили бошқа, дили бошқа шахсларга хосдир. Кўнгидаги гапирадиган зотларинга ростгўй, пок дил, оқкўндил, содда ва беғубор бўладилар. Навоий ана шундай инсонларнинг сузларига ишонмоқни ўргатади бизга.

Бобомиз яна дейдиларки: «Сўхат тиласанг, кўп ема, Ўзат тиласанг, кўп демал»

## Мағнавий меросимиздан «СЎЗ БОРКИМ...»

қириб, буюрибди: «Бугун энг яқин нарсадан таом хоҳирла. Хизматкор қўйинг тилини пишриб олиб келибди. Эртаси кўни бой яна буюрибди: «Бугун энди энг ёмон нарсадан таом қил». Хизматкор яна қўйинг тилини пишриб олиб келибди. Ҳар ҳайрон бўлиб сўрабди: «Битта тилининг ўзи ҳам яқин, ҳам ёмон бўла оладими?». Хизматкор жавоб қилди: «Ҳа, тил ҳам яқин, ҳам ёмон нарсас. Агар тил яқин ва рост сузни айтса, ундан яқшироқ нарсас йўқ, агарда ёмон ва ёлғон гапирса, ундан ёмонроқ нарсас йўқ». Ҳақиқатан ҳам, эзуглик ва йвузлик, ёруғлик ва қоронғулук каби тушунчалар мавқуд бўлганидек, нутқимизда ҳам яқин суз ва ёмон суз борки, улардан бири бизни эзуглик чўқисига олиб чиқса, боқиса розолат ботқонига ташлайди.

нинг оғзидан боди қириб, шод қилиб, унтис сўзлар ва сўкинилар билан ахлоқсизликнинг намоеи қилишлари жуда хулук ҳолдир. «Тилининг иқтироғига асрағил, сузунигн эҳтиёт била деғил!» Ҳазратнинг бу ҳикмати замирида ҳам катта маъно ётади. Инсон кўнгли ниҳоятда нозик ва мўрт бўлади. У билан бўлган мулоқот ва муносабатда нечоғлик эҳтиёт ва эътиборли бўлиш керак. Эҳти-ётсизлик билан айтган ҳар битта, ҳар бир ёмон гап чининга отилган тошдай, инсон дилини чиқарчи: қилади. Чинини чега-галаб ямаш мумкин, аммо кўнглини ямаб бўлмайди-да.

«Тилинг билан кўнгулини бир тут, кўнгули тили бир кишининг сузига бут (ишон)». Бу ҳикмат ҳам Навоийнинг бизга ниҳоятда катта фойдаси тегадиган бебаҳо ҳикматларидандир. Орамизда ҳали ҳам шундай кимсалар борки, тилида бир гапни айтиб, дилига бошқа

## Хунари мўзаллар ДЎППИ ТИКДИМ...



«Ўзбекистон—келажик буюк давлат» танловига Сўрадаги айблар ўзбек дўпписи доғруғини оламга ёйган «Шарқ гули» бирлашмасининг кўли гул чеғарларидир. Танлов ҳомийси—«Тўқимачилик комбинати» Тошкент иргазлама ишлаб чиқариш бирлашмаси.

да дўппи тикадиган аёл Хайрихон ая Аҳмаджонова билан суҳбатда бўлдик. — Хайрихон ая, дўппи тикишни қачон, қимдан ўргангансан?

Сизга айтсам, дўппининг хосияти жуда катта. Ундан кейин дўппи кийиш одати ўзбекларга хос-да. Эсимда, болалигимда дадам акамларни дастурхон атрофида, меҳмонга борганда, умуман кўча-қўйда дўпписиз юришга йўл қўймадилар.

Атласларда кўш иқлес, Тўз юрлар эриб қарашар, Яшнатида тўни эиёси, Қизлар атлас кийса ярашар.

Юзларнда нбо, табассум, Соҳарлар кўлиб тарашар, Кенёю ёш қамашар кўн, Қизлар атлас кийса ярашар.

Яноқлари қиримзи тилло, Чехралари нурга талашар, Мағдин куйла минг битта тилда Қизлар атлас кийса ярашар.

Забо қизлар мағд этсан синин, Мени ёз деб сўзлар қилешар, Қабул қилинг мактобимизни Қизлар атлас кийса ярашар.



Тоҳир Ҳамроқулов сўради.

ган чокларинг ораси очил-очил бўлиб, қозон тез чиқиб кетади. Қўлда тинилган дўппиларнинг чокларида эса қозон ўз вақт туради. — Маго, қозон, иларни қаердан оласизлар? — Бу ердаги бошқа дўппи тикадиганларни билмадим, мен ўзим уларни Қўқон ёки Хўнардан олиб келаман. Агар дўппиларни яқин фарқласангиз, қўриб турибсиз, асосан Марғилон ва Қўқон дўпписини танаман. Тошкентликлар ҳам кўпроқ шунча дўппи кийишади.

— Айтингчи, нега ҳамма дўппиларнинг гули бир янги? — Вунинг ўзига яраша тарихи бор. Уни ҳар ким ҳар хил тушунади. Сиз берган худди шу саволни мен ҳам бир пайтлар айма бергандим. Ушунда аям, бир бутун ой, ўн икки юлдуз, яъни мана бу тепасидаги қалампир нуҳасидаги тўртта ой, бу йил фасларини билдиради. Пастдаги мана булар эса ойларни, бу еттига айланаси эса ҳафтанин кўнларини билдиради. Бунинг ярми оқ, ярми қора тикилиши кеча ва кундуз маъноси-ни беради, деғандилар. Унинг бошқача талқинлари ҳам бор. Бундан ташқари дўппига яқинлаб эътибор берадигиз, унинг шакли қуббали, мана бунинг тақлиди ҳам биллиш мумкин. Ҳатто тизагиди гуллари ҳам шунча. Бунинг маъноси шунданки, бизнинг муқаддас томонимиз қила.

Бозор-бозорда. Биз ўзимиз бир бақон талқил қиламиз. Хайрихон кўтарганида олади. Ҳозир битта дўппи минг, бир минг икки юзлар атрофида. Бу фақат кўл меҳнатимизга пул оламиз, қолос. Харажати ўзи-ўзини қоплайди, ҳар ҳолда. Мўҳими бу ҳам эмас. Тўғриси айтсам, ҳозир кўн кўриш учун дўппи тикмайман. Менга ҳукумат берган нафада ҳам етиб ортади. Қолаверса, шўр, фарангликлар ишлайди. Зоринтиришмайди. Фақат мен бу хунарни ташлай олмайман. Айниқса, йўриганда эрмақда. Ҳозир дўппи тикишни набираларимга ҳам ўргаттиман. Қўллари келиб қолди. Хуллас улардан кўнглим тўз, бу хунар мендан кейин болаларимга қолади.

Дарвоқе, Хайрихон аялек моҳир хунар усталари бор экан, халқимизнинг дўппи тикишцен нафис санъати асрлар оша яшайверади.

Назира ҚЎРВОН қилди.



Хайл уммида сўзлар болакай.

Бугун байрамга борамиз.

Абдувоҳид Тўраев суратлари.

ЮНУСОВОД туманида жойлашган «Сувос» трестига қарашли «Зилола» болалар оромгоҳида...

дек мусавфо бўлади, улар ёшлигида кўпроқ нимани оғат қилса, юрагига туйса, шу нарса бир умр юрагига муҳрланиб қолади...

«Зилола»нинг шафақ тонглари

Оромгоҳимизда чопқиллаб юришган бу болаларга келсак, улар онги анча-мунча шаклланиб бўлган, — дейди Г. Абдужабборов...

ҳаракатларимизнинг ҳаммаси миллий аъяна ва удумларимиздан келиб чиққан ҳолда, бевосита болаларнинг ўзлари ширинида ўтказилаётган...

«Зилола» оромгоҳидаги суҳбатимиз узоқ давом этди. Унга оромгоҳ бошлиғи Г. Абдужабборов яқун ясади...

Ўтган ҲАЙДАВОЛОВ.

Шахримизнинг йирик саноат ҳудудларидан бири бўлиб Ҳамза туманида қонувчиликни сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш борасида олиб борилаётган амалий ишлар ҳақида туман прокурори Акмал Азларов билан суҳбатлашдик.

Акмал Азларов, тумандаги ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари томонидан қонувчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида қисқача гапириб берсангиз...

Жиноятчиликни жиловлаш йўлида КУЧЛАР ЖАМЛАНГАНДА

Ҳар бир қонун бузиш ҳолатига содир этилган жиноятга масъулият билан қаралиши жиноятчиларнинг ўз вақтида қўлга олиб жиноий жавобгарликка тортилиши, зарур эҳтиёт чоралари қўлланилиши ва суд идоралари томонидан адолатли жазо тайинланиши улар томонидан янги жиноятлар содир этилиши, қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олишга ва туманда жиноятлар сонининг камайишига олиб келиди.

Акмал Азларов, бу туманда жиноятчиликка қарши курашда бирор муаммо йўқ, деган маънони бермас экан...

Одам ўзининг қилаётган ишга таъқидий кўз билан қараш керак. Ўтган 6 ойда қилган ишларимиз бизни тўла қониқтирмайди. Чунки 6 ой мобайнида муқаддам судланганлар томонидан 41 та, фойдали меҳнат билан шугулланмайдиган шахслар томонидан 63 та, спиртли ичимлик ва гёвандлик моддаларни истеъмол қилиш оқибатида 86 та, дайдалар томонидан 7 та, ўқувчилар томонидан 24 та жиноят содир этилган.

Мазкур жиноятлар муфассал таҳлил этиб кўриб, уларни асосан товламачилик, шахсий мулкка нисбатан талончилик, босқинчилик жиноятлари ташкил этилиши ва бу жиноят турларининг ярим йил ичида бир оз ўсганлигини кўраемиз. Уларни аниқлашнинг асосий жиноятлар содир этилган йўналиш бўйича текширишлар ўтказдик. Натжидада ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларидаги айрим шахсларнинг масъулиятсизлиги туфайли юқоридagi жиноятлар содир этилган, аввало жойларда текширишлар тўлиқсиз ва сифатсиз ўтказилганлиги, жиноятчилик масаласи йиғилишларда етарли даражада муҳофиза қилинмагани, чора ва тадбирлар кўрилиб, прокуратура ҳужжатлари тегишли таъкидотларга етказилмаганлиги аниқланди. Оқибатда профилактика бўлими, участка инспекторлари, кузатиш комиссиялари томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар бартараф этилмаганлиги, хаттоки бартараф этиш чоралари ўз вақтида кўрилмаганлиги текшириш мобайнида аниқланди.

Вужудга келган аҳволни таҳлил этиб туман прокуратураси ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда оғир кечикиб бўлсада тоқорда қайд этилган жиноятларнинг олдини олиш бўйича тегишли ишларни амалга оширишга кўриштирилди. Энг аввало 1992 йилда қабул қилинган «Ҳазо»ни ўтаб қайтган шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатиш» ҳақидаги қонун ижроси текширилди. Ички ишлар бўлимида профилактика хизмати ҳолати, участка инспекторларининг жазони ўтаб қайтган шахсларни ишга жойлаштириш, қайд қилиш, уларнинг устидан маъмурий назорат ўрнатиш ҳоллари ўрганиб чиқилди, Шунингдек, меҳнат бېжараси фаолияти ҳоҳлимликнинг назорат комиссияси, ўсимирлар билан ишлаш комиссияси, ичкиликбозликка қарши кураш комиссиялари иш фаолиятлари текширилди. Натжидада бу идоралар фаолиятида бир қатор хато ва камчиликлар маълумлиги аниқланди. Муқаддам судланган шахсларни ишга олишни истамган, ўсимирлар билан ишлашни яқин йўлга қўймаган, ичкиликбозлик иллатига лоқайд қараган раҳбар ходимларга тақдирнома-лар тайёрланди. Амалга оширган мазкур ишлар натижасида ҳозирда бир қанча жиноий ўзгаришлар вужудга келди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилишда терговчиларнинг вазифаси ҳам масъул. Шунинг учун улар фаолиятига ҳам тўхталиб ўтсангиз.

Жиноятчиликка қарши курашда шу жиноятни келтириб чиқарган шароит, муҳитни аниқлаш, унинг илди-зини топиб таг-томири билан кесиб ташлаш жуда муҳимдир. Ана шу вазифани тергов ходимлари ҳал қилишлари шарт ва лозимдир.

Ўтган олти ой мобайнида туман тергов ходимлари томонидан 500 дан ортиқ жиноий иш тергов қилинди, кўриб чиқиш учун тегишли халқ судларига юнатилды. Булар ичида қотиллик, босқинчилик, талончилик, товламачилик, давлат ва жомоат мулкни катта миқдорда талон-тарож қилиш ва бошқа ишлар маъмурийдир.

Терговчиларнинг оғир меҳнати туфайли қанчадан-қанча фуқаро, давлат ва жомоат таъкидотларга етказилган мулкни ва маънавий зарар қопланди, жиноятчилар ўзларининг тегишли жазоларини олдилар.

6 ой мобайнида жиноятлар сонининг камайишида тергов идоралари ходимларининг ҳам натта ҳиссае бор деб ҳисоблайман. Чунки маҳаллада, ишқонада, қорхона ва таъкидотда содир этилган жиноят иши матажасини ўша ерга қириб халқ оmmasига, жомоага маълум қилиниши халқ орасида қонунга ҳурмат тўғрисида вужудга келтирилади ва жиноят содир этишга лаяқати бор шахслар жиноят оқибатидан оғоҳ қилади.

Республикамизда кўшма соҳаларга таълуқли қонулар қабул қилинмоқда. Шуларнинг ижросини назорат қилиш қандай йўлга қўйилган?

Қабул қилинаётган қонун ва Президентимиз Фармонларининг ижроси туман прокуратураси томонидан доимий назорат қилиб бориламоқда. Жумладан, аҳолини иш билан таъминлаш, қорхона, таъкидотлар ҳақидаги, ички қорхоналар ҳақидаги, маъсулотларни таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонуларнинг бажарилиши юзасидан текширишлар ўтказилди. Аниқланган намунчилик ва хатолар бўйича прокуратура томонидан тайёрланган ҳужжатлар тегишли таъкидотларга юборилди. Шулар асосида қонун талабини бузган ўнлаб мансабдор шахсларга, тегишли чоралар кўрилди, айримлари расмий равишда қонун ижросини бажармаганлигини учун оғоҳ-лантирилди.

Келгуси режаларингиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

Биз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи барча идоралар ходимлари ўртасида тарғибот ишларини кучайтиришни мўлжаллаганмиз. Ўтган ярим йилда йўл қўйилган камчилик ва хатолардан тўғри хулоса чиқариб прокурор назоратини таъминлаштиришни ўз олдимиизга мақсад қилиб қўйдик. Туман прокуратураси бошқа маъмурий идоралар, қорхона, таъкидот ва муассасаларнинг раҳбарлари билан узвий боғлиқ ҳолда ишлашга эътиборини ҳам кучайтиради.

Суҳбатдош Гулзода АБДУЛЛА қизи.

Мухаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА ЭЪЛОМАТ

3-ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

Кондукторлар, трамвай ҳайдовчилари ва электрчи чи-лангарларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Агар Сиз трамвай ҳайдовчиси, электрчи чилангар касбига эга бўлмасангиз, у ҳолда бу касбларни Сиз депода жойлашган

23-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ҚОШИДАГИ КУРСЛАРДА ҲАМ (20 ёшдан) БИЛИМ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

Трамвай ҳайдовчиси касбига ўқиш муддати — 5 ой; электр чилангарларга — 3 ой. Курс ўқувчиларининг ўқини давомидаги стипендиялари — 9.465 сўм, трамвай ҳайдовчиларининг тажриба муддатини ўташ даврида — 13.354 сўм.

БИЗДА ИШЛАСАНГИЗ:

КОНДУКТОРЛАР — 20.000 сўмгача; ТРАМВАЙ ҲАЙДОВЧИЛАРИ — 55.000 сўмгача; ХАРАКАТ ТАРКИБИ ТАЪМИРИ БУЙИЧА ЭЛЕКТР ЧИЛАНГАРЛАР — 38.000 сўмгача иш ҳақи олишнингиз ва қўйидаги иштиёларга эга бўлишингиз мумкин.

ТРАМВАЙ ҲАЙДОВЧИЛАРИ: айлан 50 ёшдан, эр-кавлар 55 ёшдан пенсияга чиқади, 8 кунгача бўлган қў-шмига таътил; трамвай-троллейбусларда бепул юриш ҳуқуқига эга бўласиз; йиллик иш якувлари бўйича 13 ва 14 июшлар-ни олсан; инсоний соғломлаштириш мажмуасида шугуллан-шингиз; Сирдарё бўйидаги дам олиш мажмуасида дам олишнингиз; фарангларнинг ёзи соғломлаштириш лагерларида дам олишлари мумкин.

Бизнинг манзилимиз: Темур Маллик кўчаси, 3-«а» уй. БИЗГА 17, 71, 83, 86-автосулар, 6, 13, 22-трамвай-лар, 9, 18-троллейбуслар билан («Чимён» бекатига) келишингиз ёки қўйидаги телефонлар орқали қўнғироқ қилишингиз мумкин. 63-28-97 — ХОДИМЛАР БУЛИМИ, 63-38-95 — ҚА-БУЛХОНА, 63-38-93 — 23ХТБЮ.

ЕВРОУЗ EVROUZ logo with a globe and text: Ўзбек-Герман "Евроуз" қўшма корхонаси ўзбек, инглиз тилларини биладиган ҳамда иш юритиш асосларида хабардор қизларни ишга таклиф қилади. Мулоқот учун телефонимиз: 32-75-01.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЯТХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ИККИ ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ ШАРАФИГА

21 АВГУСТ — 5 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ СОАТ 9 ДАН 18.00 ГАЧА

ТОШКЕНТ ШАҲАР ДАВЛАТ-КООПЕРАТИВ ИШЛАВ ЧИҚАРИШ МЕВА-САВЗАВОТ БИРЛАШМАСИ

ЯРМАРКАГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Шаҳар ярмаркаси — Истиқлол кўчасидаги дўконларда; ТУМАН ЯРМАРКАЛАРИ:

Миробод улғуржи-чакана савдо ташкилоти — Норхў-жаев кўчасида; Акмал-Икромов улғуржи-чакана савдо ташкилоти — «Наврўз» бозорида;

Яккасарой улғуржи-чакана савдо ташкилоти — Тўқи-мачилар маданият саройи олдида; Шайхонтоҳур улғуржи-чакана савдо ташкилоти — «Эс-ки Жуна» бозорида;

Юнусобод улғуржи-чакана савдо ташкилоти — Юнусо-бод бозорида (балчи комплекс енида); Бектемир улғуржи-чакана савдо ташкилоти — Г. Крас-ницкий номи стадион олдида;

Собир Раҳимов улғуржи-чакана савдо ташкилоти — 1/4-«Қорағачи» бозорида; Ҳамза улғуржи-чакана савдо ташкилоти «Гулбод» бозорида;

Сирғали улғуржи-чакана савдо ташкилоти — Сирғали-3 дахаси. Ш. Рашидов номи майдонда; Чилонзор улғуржи-чакана савдо ташкилоти — «Ҳамза»;

«Чилонзор» метро бекатлари олдида. СИЗ ЯРМАРКАДАН ХИЛМА-ХИЛ МЕВА-САВЗА-ВОТ, КАРТОШКА, ОЛМА, НОҚ, УЗУМ ВА ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ДАВЛАТ-КООПЕРАТИВ ИШЛАВ ЧИҚАРИШ МЕВА-САВЗАВОТ БИРЛАШ-МАСИ.

«ШАРК» НАШРИЁТ - МАТБЕА КОНЦЕРНИ. Машинада ёзувчи-стенографиста, сатр қўйиш машина-ларида сатр терувчилар, муқовачилар, муқовалаш маши-наларида ишлаш учун машинистлар, печатниклар; Марьямчилар, бўғичилар, дурадгорлар, сантехникларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ИШ ТАРТИВИ — ички сменали. МЕҲНАТ ҲАҚИ — илбай-мулоқотан. Мурунаат учун манзилгоҳ: Буюк Турон кўчаси, 41-уй, ходимлар бўлими.

ХАЙВОНОТ ОЛАМИДА. Инсон болаеи яратган қулай шарт-шароит, кўрсатилган чексиз меҳр-оқибат йоввойи ҳайвон-нарикдонларнинг кўва-йиши учун муҳим омил бў-моқда. СУРАТДА: шу йилнинг баҳо-рида туғилган «чаңалоқ». Швейцариянинг Базель шаҳри-даги ҳайвонот боғида 1956 йилдан бўйи 25 та карибдон дунёга келди. Кейстон — РАТА — ТАСС сурати. Онасининг худди ўзи... (Франциянинг Амбевиль шаҳ-ридаги ҳайвонот боғида). Ёш ҳайвон ўргатувчилар.

\* Билиб қўйган яқини. ЭНГ кўп вулқон оти-либ турадиган жой — Ма-лайя архипелагиндаги натта ва кичик Зонд ороллари-дир. Бу жойда ҳозир оти-либ тур-ган вулқонларнинг сони 100 дан ортиб кетди. ОТИЛИБ турган энг ёшанг вулқон — Тупунга-то. Унинг баландлиги 6800 метр бўлиб, у Чили билан Аргентина ўрасидаги Фар-гой Кордильерада жойлаш-ган. ЁР қимирлаш энг кўп бўлиб турадиган жой — Чи-лидир. Бу ерда бир йилда бир миң мартага яқин ер қимирлайди. ҚИТЪАЛАРДАГИ муз-динларнинг энг қалини — Антарктидада бўлиб, 6000—6500 метрга етди. ЭНГ узун тоғ водий музлиги Алясканинг тоғли районларидаги Набесна муз-лиги бўлиб, у 90 километр-дан ортиб. ЭНГ натта гор — АКШнинг Кентукки штати-даги Мамонт гори. Унинг узунлиги 250 километр бў-либ, ичида бир неча қўл, дарё, шовна бор. ЭНГ чуқур гор Австра-лидаги Тантал гори. Унинг вертикал чуқурлиги 1200 метр. ЭНГ чуқур океан чуқ-маси — Тинч океанидаги Марион оролларидаги атро-фида. Чуқурнинг чуқурлиги 11500 метр. ЭНГ натта орол — Атлантика океанининг ши-молидаги Гренландия оро-ли. Мазкур орол 2176 миң квадрат километр майдонга эга.

Ахбар АЛНОВ тайёрлаган.

Тошкент оқшоми. Газета Ўзбекистон Респуб-ликмаси Давлат матбуот ко-митетида рўйхатга олинган. Рўйхат сон — 000101. Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун ўзбек тилида чиқади. ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 33-29-70; эълон ва тиқорат хабарларини жойлаштириш мажбурияти бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67. Эълонлар ва тиқорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлиги уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир. МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Ҳажми — 2 босма табоқ, Обфсет. Қоғоз бичими А — 2. Нашр кўрсаткичи 64690.